Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 25 апрель, № 80 (5500) Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 апрель
№ ЎРҚ—326

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли саноатимизнинг инновацион салоҳияти тобора юксалиб бораяпти. Айниқса, кимё соҳасида рўёбга чиқарилаётган йирик инновацион лойиҳалар шарофати билан кейинги йилларда импорт ўрнини босадиган кўплаб янги маҳсулотлар тайёрлаш маҳаллийлаштирилди. Бу, ўз навбатида, экспортбоп маҳсулотлар турини кўпайтириш имконини бераётир.

Саноатимизнинг инновацион салоҳияти

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз ифодасини топмоқда

Соҳа мутахассисларининг эътироф этишича, қўлга киритилаётган муваффақиятларда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этаяпти. Сабаби, мазкур ҳужжат ижроси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар олимларнинг ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Натижада олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида олиб борилаётган изланишлар бевосита саноат корхоналарида мавжуд муаммолар ечимини топиш, моддий ва табиий ресурсларни иқтисод қилишга йўналтирилаяпти.

— “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда инновацион янгиликларни татбиқ этиш масаласига устувор эътибор қаратилади, — дейди компаниянинг Инновация маркази бош мутахассиси Мансуржон Аҳмедов. — Анъанавий ўтказилаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида мунтазам иштирок этишимиз эса илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда технологик ишланмаларни амалиётга жорий қилишни янада жадаллаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, ўтган тадбирларда 23 та хўжалик шартномаси тузилиб, шундан 17 лойиҳа бўйича ишлар тўлиқ якунланди ва илмий муассасаларга 950 миллион сўм миқдорида маблағ тўланди. Ҳозир қиймати 215,4 миллион сўмлик 6 та лойиҳа устидаги ишлар давом эттирилаяпти.

Корхоналарда марказнинг бўлимлари, шунингдек, инновация фондлари ташкил этилгани, айниқса, айни муддао бўлди. Чунки улар ишлаб чиқариш субъектларининг янги технология ва ишланмаларга бўлган эҳтиёжини ўрганиб, инновацияларнинг базасини яратиш, энг самарали деб топилганларини саноат миқёсида қўллашни тарғиб қилиш билан шуғулланмоқда. Фондда тўпланган маблағлар истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир. Натижада 2008 — 2011 йилларда умумий қиймати 205 миллиард сўмлик 27 турдаги 522 минг тонна янги маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий тиббиёт ютуқлари намойиши

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида “Соғлиқни сақлаш — TIHE” 17-халқаро кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, “Ўзтибтехника” акциядорлик компанияси, республика Савдо-саноат палатаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Кўргазма

Кўргазмада замонавий тиббий асбоб-ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, стоматология жиҳозлари, шифобахш дори-дармонлар, лаборатория, фито ва физиотерапия технологиялари, шунингдек, гигиена воситалари намойиш этилаяпти. Ушбу маҳсулотлар юртимизда фаолият юритаётган 40 га яқин маҳаллий корхона ва фирмалар, шунингдек, Австралия, Буюк Британия, Беларусь, Венгрия, Германия, Жанубий Корея, Иордания, Молдова, Нидерландия, Россия, Швейцария, Хитой, Ҳиндистон, Украина, Чехия сингари давлатлардаги 130 дан зиёд етакчи компанияларда ишлаб чиқарилган.

— Ҳозирги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожига юксак эътибор қаратилаётганлиги боис шифо масканларида энг замонавий тиббий технологиялар, даволаш-ташхис ускуналари ҳамда илғор муолажа усуллари кенг қўлланилмоқда, — дейди “Ўзтибтехника” акциядорлик компанияси раиси Жамшид Алимов. — Табиийки, бугун соҳа мутахассислари жаҳон тиббиётидаги энг сўнгги янгиликлардан мунтазам бохабар бўлиб боришлари, хасталикларнинг олдини олиш, тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги ютуқлар, тажрибалар кенг татбиқ этилиши зарур. Шу маънода, “Соғлиқни сақлаш — TIHE” халқаро кўргазмасида намойиш этилаётган янгиликларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Эътиборлиси шундаки, тадбирга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти шифокорлар ҳамда шу йўналишда таҳсил олаётган талабалардир. Бизнингча, бу галги кўргазма ҳам мутахассислар учун ўзига хос маҳорат мактаби, жонли мулоқот вазифасини ўташи, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Саудия Арабистони делегацияси — мамлакатимизда

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маслаҳат кенгаши Раиси Абдулла ал аш-Шайх раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси ва Ташқи ишлар вазирлигида учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳамкорлик бугун савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, парламентлараро алоқалар мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Мулоқотлар чоғида Саудия Арабистони делегацияси аъзолари Ўзбекистон истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистонда тарихий-маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Саудиялик меҳмонлар пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари учрашуви

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 24 апрель куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиз тадбиркорлари ҳамда Шанхай саноат ва савдо федерацияси таркибидаги қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С. Исанбаев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Юртимизда ёшларимизнинг етук салоҳият ҳамда истеъдод соҳиби бўлиб камолга етишлари учун улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Қувонарлиси, буюк келажак сари дадил интилаётган ўғил-қизларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ғояси “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Келажак овози” Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилган “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” номли акция мисолида ҳам ўз ифодасини топди.

Ташаббускор ёшлар акцияси

Мазкур тадбир мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтидорли, илм-маърифатга интилувчан, зукко, ташаббускор ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Кеча Тошкент вилоятида ушбу акциянинг якуний тадбирлари бўлиб ўтди. Анжуманга мезбонлик қилган Тошкент давлат аграр университети шу куни тадбирнинг асосий иштирокчилари — вилоятнинг иқтидорли ёшлари билан гавжум бўлди. Акция даставвал мазкур олий ўқув юрти талабалари учун ёдда қолувчи бир воқелик билан бошланди. Гап шундаки, ҳукуматимизнинг таълим соҳасига қаратаётган беқиёс эътибори туфайли биноси мукаммал қайта таъмирланиб, кўркам ва замонавий қиёфа касб этган университет қошида “Келажак овози” Ёшлар ташаббуслари марказининг бўлинмаси очилди.

Тадбир иштирокчилари янги ташкил этилган марказ фаолияти, бу ерда ёшларнинг изланиш ва ютуқларини юзага чиқаришга имкон берувчи қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг университетнинг янгидан барпо этилган муҳташам ахборот-ресурс марказида Ёшлар ташаббуслари форуми ўтказилди. Унда “Фонд Форум” лойиҳаларининг фаол иштирокчилари, университетдаги иқтидорли талабалар, ёш тадқиқотчи-олимлар қатнашдилар.

— Форум истиқболли лойиҳаларимизни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишимиз ҳамда керакли кўмак ва тавсиялар олишимизда жуда қўл келди, — дейди Зангиота тумани тиббиёт коллежининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Шерзод Рўзиев. — Ўзим ҳам изланишларим маҳсулини намойиш этиш имкониятига эга бўлдим. Техник ишланмаларим кўпчиликда қизиқиш уйғотганидан хурсандман.

(Давоми 2-бетда).

Хотира мангу, қадр абадий

Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати ниҳоятда юксак. Айниқса, ёши улуғларга, оғир ва суронли уруш йилларини бошидан кечирган нуроний отахону онахонларга кўрсатилаётган иззат-икромнинг қиёси йўқ. Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ана шундай юртдошларимизга навбатдаги эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Дил сўзи

Барчамиз яхши биламизки, Хотира ва қадрлаш кунидек сана бошқа бирор давлатда учрамайди. Шу маънода, бугун Ўзбекистонимиз инсонийлик, бағрикенглик бобида ҳам мисли чинордек бўй чўзиб турибди. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида эса бу фазилат янада ёрқинроқ намоён бўлади. Айни пайтда ушбу сана мамлакатимизнинг барча жойларида алоҳида тайёргарлик билан ўтказилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятида маҳаллий ҳокимликлар, маданият ва спорт ишлари, мудофаа ишлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда қатор жамоат ташкилотлари бу санага пухта ҳозирлик кўришди.

Вилоятимизда 386 нафар уруш қатнашчиси, 6694 нафар уруш орти меҳнат фахрийси эл-юрт ардоғида истиқомат қилади. Уларнинг барчаси тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Вилоятдаги уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси уларнинг ихтиёрида. Малакали шифокорлар тиббий хизмат кўрсатишга доимо шай туришибди. Қулай шарт-шароитлар, бепул дори-дармон, транспорт хизмати, сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар, нафақаларнинг ўз вақтида берилиши каби ҳурмат ва эъзоз, маънавий рағбат, шубҳасиз, уларнинг руҳиятига, сиҳат-саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиб, нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини оширмоқда.

Бу ишга ёшлар кўпроқ жалб этилаётганлиги, айниқса, ибратлидир. Мисол учун, ёши улуғларнинг ҳолидан доимий хабар олиб туриш мақсадида вилоятдаги олий ўқув юртлари талабалари, коллеж, лицей, мактаб ўқувчиларидан иборат “Мадад” ҳамда “Ғамхўрлик” гуруҳлари фаолияти кишини қувонтиради.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Хонободдаги “Андижонкабель” қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижлик харидорларнинг ҳам эътиборига тушди. Биргина ўтган йили жамоа томонидан қарийб 60 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилгани бунга мисол бўла олади.

Кўп қиррали фаолият

Яқинда эса корхонада йилига 2 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги қувватлар ишга туширилди. Хориждан 111,7 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган илғор технологияларни бошқариш учун 15 нафар мутахассис ишга жалб қилинди. Натижада улар томонидан тайёрланган 50 миллион сўмлик дастлабки маҳсулот ички бозорга чиқарилди. Ҳозир “Андижонкабель”да мавжуд қувватларни ошириш орқали керамика чойнаклари ҳамда янги турдаги телекоммуникация кабеллари тайёрлашни ўзлаштириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Бухоро шаҳридаги бир қатор озиқ-овқат дўконларида “Оригинал Чиз” хусусий корхонаси тамғаси остида “Голланд пишлоғи” сотуви йўлга қўйилди.

Жаҳон стандартларига мос маҳсулот

— Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида Голландиядан мутахассис жалб этдик ва технологик жараённи пухта ўзлаштириб олдик, — дейди Жондор туманида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона раҳбари Сулхида Салимова. — Ҳозир бир кунда 300 килограмм миқдорида сифати хорижникидан қолишмайдиган пишлоқ тайёрлаяпмиз. Умуман, лойиҳани рўёбга чиқариш учун 100 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Яқинда саккиз миллион сўмлик банк кредити эвазига қадоқлаш ускунасини ҳам харид қилдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бунинг учун корхонамизга ер майдони ҳам ажратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Пойтахт вилоятининг 24 та массивида намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар бунёд этилаяпти. Қурилиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши анъанавий “Бунёдкор” меҳнат жамоалари хизматидан фойдаланиш ташаббуси билан чиқди.

Ҳам ҳунар, ҳам даромад

Унга кўра, ёшлар ҳаракати ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ўртасида келишув шартномаси тузилди. Шу асосда вақтинча ишсиз бўлган қишлоқ ёшларидан иборат гуруҳлар пудратчи ташкилотларга кафолатланган иш ҳақи эвазига уй-жой қурилишида кўмаклашмоқда. Энг муҳими, бўш вақтини фойдали меҳнатга сарф-лаётган ёшлар “Устоз — шогирд” анъанаси асосида қурувчилик касбини эгалламоқдалар.

Айни пайтда “Бунёдкор” жамоаси таркибида 252 нафар йигит шартнома асосида уй-жой қурилишида иштирок этаяпти.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари учрашуви

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди. Ҳамкорликда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан келишиб олинди, шунингдек, қурилиш, транспорт, энергетика, спорт соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

— Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсаётир, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилаётир, — деди Хитойнинг “Shanghai Zhonglu Group” корпорацияси бошқаруви раиси Ченг Жун. — Хитойлик ишбилармонлар юртингизда самарали фаолият юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан мамнун. Мақсадимиз — мамлакатингиз фирма ва компаниялари, корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Мутахассислигинг — сенинг келажагинг

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан мамлакатимизда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва ролига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Бандликни таъминлаш — устувор вазифа

Унда парламент аъзолари, мутасадди вазирликлар ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уни тўғри танлашига кўмаклашиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш, истеъдодини юзага чиқариш, уларнинг мустақил равишда касб танлашига кўмаклашиш ишлари рўёбга чиқарилаётир. Шунингдек, туман ва шаҳарларда 200 дан зиёд “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказлари ташкил этилган. Ҳозирги пайтда ушбу марказлардаги тўгараклар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Бадиий академия, Республика таълим маркази, “Ҳунарманд” бирлашмаси, “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида янги, замонавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг татбиқ қилинаяпти.

Анжуманда битирувчиларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, улар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, коллеж битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун “Микрокредитбанк” томонидан ажратилган кредитлардан унумли фойдаланаётган минглаб ёшлар ҳозирги пайтда шу жабҳада фаол меҳнат қилишмоқда. Айни чоғда коллеж битирувчилари иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчилар амалиётини бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда касб-ҳунар коллежлари ва иш берувчи корхона ҳамда ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилмоқда. Ушбу келишувлар натижасида 2011 йилда 390 мингдан зиёд битирувчи иш билан таъминланди.

— Битирувчиларни иш билан таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ўзини оқламоқда, — дейди Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди етакчи мутахассиси Шоҳруҳмирзо Рўзиев. — Шундай экан, битирувчилар қизиқиши ва қобилиятига мос мутахассисликни эгаллашига кўмаклашиш борасидаги ишлар моҳиятини жамоатчиликка етказиш, бунда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишда ОАВ вакиллари масъулиятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан ҳам конференцияда иштирок этган журналистларга бу йўналишдаги ислоҳотлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Шунингдек, тадбирда ёшларни иш билан таъминлаш, мутахассисликка йўналтиришда мунтазам ўтказиб келинаётган “Мутахассислигинг — сенинг келажагинг” мавзуидаги кўргазмаларнинг аҳамияти юқори бўлаётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳорат, сабоқ, тажриба

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида “Тасвирий санъат+5” ижодий ҳафталиги доирасидаги тадбирлар давом этмоқда. Кеча халқ амалий санъати усталарининг миниатюра асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

“Тасвирий санъат+5” ҳафталиги

Ушбу кўргазманинг очилиш маросимида мамлакатимизда ёш ижодкорларга қаратилаётган юксак эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар истеъдодларини тўла намоён қилишда ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ташкил этилаётган санъат ҳафталиклари, фестиваь ва кўрик-танловлар ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижодий баркамолликка эришишлари учун катта имконият эканлиги алоҳида таъкидланди.

Санъат ҳафталиги доирасида рангтасвирчи рассом Мамут Чурлу билан ижодий учрашув, уста кулол Маҳмуд Мамажонов иштирокида “Маҳорат сабоқлари”, “Ўзбекистон замонавий амалий санъати ривожи” мавзуида давра суҳбатлари ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, машҳур ҳунармандларнинг сулолалари ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари иштирокидаги концерт дастури эса тадбирга ўзгача файз киритди.

М. ХОЛМАТОВА.

Саноатимизнинг инновацион салоҳияти

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз ифодасини топмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, инновация лойиҳаларини саноатда татбиқ этишда, энг аввало, импорт ўрнини босувчи хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишланмаларга алоҳида аҳамият берилаяпти. Бу эса валютани тежаш, янги иш ўринлари очиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, “Максам — Чирчиқ” ОАЖда илгари четдан келтирилган янги турдаги карбамид-аммиакли ўғит, калий сульфати, магний сульфати, фосфомочевина ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, “Навоийазот” ОАЖда калий нитрати, азот-фосфорли ўғит, гранула ҳолатидаги кальций хлор тузи, А-маркали метанол тайёрлаш ўзлаштирилди. “Фарғонаазот” ОАЖда эса истеъмол содаси, натрийли селитра, мураккаб азот-фосфорли ўғит, суюқ карбамид-аммиакли селитра, шунингдек, “Полидеф”, “ЎзДЕФ”, “СуперХМД-ж” дефолиантлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди. Иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларида кенг қўлланиладиган бу маҳсулотлар бугунги кунга қадар импорт қилинганини инобатга олсак, инновацияларнинг иқтисодий тараққиётимиздаги ўрни нақадар беқиёслиги яққол тасдиғини топади.

Бундай лойиҳалар “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ҳам муваффақиятли бажарилаётгани диққатга сазовор. Бу ерда янги корхоналар ишга туширилиши ҳисобига биргина 2011 йилда 1 миллион 928 минг дона таглик ва гигиена воситалари, 164 минг дона косметика буюмлари ишлаб чиқаришга эришилди. Муҳими, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорга чиқариляпти, балки бир қисми экспорт ҳам қилинаётир.

— Ярмарка давомида тизим корхоналарининг эҳтиёжи юқори бўлган қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиялари ва мавжуд муаммолар ечими бўйича таклифларимизни олимлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз, — дейди М. Аҳмедов. — Жумладан, 2010 йилда тармоқлар учун зарур бўлган 12 та ишланма тақдим этилган бўлса, ўтган йили яна 11 ана шундай технологияга эҳтиёж борлиги аниқланди. Уларнинг қисқача мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига тақдим қилинаяпти. Бундан кўзланган мақсад олимларимизни саноат ривожига хизмат қиладиган ишланмаларни яратишга кенгроқ жалб этишдир.

Бугунги кунда, мисол учун, гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган суперабсорбентлар, сув ҳавзалари (бассейнлар)ни дезинфекция қилишга мўлжалланган таблетка ҳолатидаги хлор ишлаб чиқариш технологияларига талаб юқори. Қолаверса, илмий муассасаларни саноат корхоналари учун муҳим хом ашёлар — анионит ва катионит смолалари, нанокатализаторлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ҳамкорликка чорлаймиз.

Дарҳақиқат, “Ўзэкспомарказ” мажмуасида бешинчи марта ўтказилаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасига компания жамоаси пухта ҳозирлик кўраяпти. Айни пайтда унга тақдим этилаётган инновацион лойиҳаларнинг тақдимоти доирасида олимлар соҳа мутахассисларини улар билан яқиндан таништирмоқдалар. Ўз навбатида, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар ечими бўйича олимларга янги ғоялар беришаяпти. Бу эса жорий йилги тадбир икки томонлама келишувларга бой бўлишидан ёрқин далолатдир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий тиббиёт ютуқлари намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

...Маҳаллий фармацевтика компанияларидан бири — “Nikopharm” кўргазманинг доимий иштирокчиси. Бугун ушбу корхонада 79 номдаги дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, маҳсулот таннархи арзон, сифати эса халқаро талабларга мос.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган “Риноксил”, “Черника”, “Тризим”, “Кордал”, “Ацекард” сингари дори-дармонлар юртимиз ва жаҳон бозорида ўз харидорига эга, — дейди компаниянинг етакчи менежери Ксения Коновалова. — Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз Қирғизистон, Қозоғистон, Грузия давлатларига экспорт қилинмоқда. Бугунги кўргазмада ҳам кўплаб янги ҳамкорлар ва мижозлар орттирдик. Ушбу алоқалар келгусида хориж мамлакатларида дистрибьюторлик фирмаларимиз фаолиятини йўлга қўйишимиз учун замин ҳозирлаётир.

“Magnum Medikal servis” МЧЖда эса бугун 50 турдаги маҳаллий маҳсулотлар, яъни жарроҳлик, физиотерапия, отолорингология, педиатрия сингари соҳаларда қўлланиладиган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарилаётир. Корхона бош директори Отабек Жиянбоевнинг қайд этишича, ушбу маҳсулотлар бошқа хориж компанияларида ишлаб чиқарилаётган муқобилига нисбатан икки баробар арзондир. Масалан, ҳозир барча шифо масканларида кенг фойдаланиладиган кварц ускунаси авваллари чет элдан олиб келингани боис 2,5 миллион сўмга баҳоланар эди. Худди шу ускуна ўзимизда ишлаб чиқарилгач, у 850 минг сўмдан сотилмоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки халқаро миқёсда ҳам талаб юқорилиги инобатга олиниб, яқин келажакда экспортни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

— Юртингиздаги тиббиёт кўргазмасида илк бор иштирок этяпмиз, — дейди яна бир иштирокчи — Италиянинг “IMA PG” компанияси бош менежери Алан Ральф. — Компаниямиз ўн етти йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бизда, асосан, дори саноати технологиялари ишлаб чиқарилади. Дунёнинг 22 та мамлакатида заводларимиз бор. Ўзбекистонда ҳам фармацевтика индустрияси тобора тараққий этиб бораётганлиги ва бугун бу ерда 130 га яқин дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритаётганидан хабардормиз. Кўргазмада иштирок этишдан мақсад ҳам бу ердаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдир.

Эслатиб ўтамиз, “Соғлиқни сақлаш — TIHE” кўргазмаси 27 апрелга қадар давом этади.

Муборак ОХУНОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ
(суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда номи юқорида қайд этилган Фармон асосида вилоятда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар дастури ишлаб чиқилиб, юқори савияда амалга оши-

Хотира мангу, қадр абадий

рилмоқда. Жойларда тарғибот гуруҳлари иш олиб боришмоқда. Маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув масканларида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан суҳбату мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилаяпти. Уларда инсон ҳаётида тинчлик ва осойишталикнинг ўрни нақадар муҳим эканлиги, ота-боболаримизнинг жанггоҳлардаги мардлиги ва жасорати, метин иродаси, она-юртга чексиз муҳаббати ҳақида сўз юритилаяпти. Бу эса эртанги кунимизнинг эгалари бўлмиш ёшларимизни Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ундаётир.

Шунингдек, вилоят, шаҳар, туман марказлари ва қишлоқлардаги “Хотира” майдонлари, қатор муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамда қабристонлар, уларнинг атрофлари тартибга келтирилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Бу савобли, хайрли ишга барча бош қўшмоқда.

Зотан, мана шундай ёруғ кунларга бўлган ишонч аждодларимизни фидойиликка, мардликка, жасоратга ундаган. Уларни қадрлаш, ўтиб кетганларнинг хотираси олдида бош эгиш эса инсоний бурчимиздир.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
«Нуроний» жамғармасининг
Хоразм вилояти бўлими
кенгаши раиси.

Яхши хабар

Республикамиз фуқаро авиацияси тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари самаралари халқаро миқёсда яна бир бор эътироф этилди.

Сифатли хизмат эътирофи

Куни кеча “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси “Парвозлар хавфсизлиги” нотижорат ҳамкорлигининг “Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган буюк ютуқлари учун” номинацияси совриндори бўлди.

Мазкур ҳамкорлик 1999 йили МДҲ мамлакатлари авиакорхоналари томонидан таъсис этилган. Ўз фаолиятида ҳаво йўллари тармоғида парвозлар хавфсизлигини ошириш ва ҳалокатларнинг олдини олишга устувор аҳамият қаратувчи ушбу ҳамкорлик ташкилоти ҳар йили анъанавий равишда бешта номинация бўйича ғолибларни тақдирлаб келади.

Шубҳасиз, уларнинг орасида энг асосий йўналишда миллий авиакомпаниямиз тенгсиз деб топилгани тизимда эришилаётган салмоқли натижалар бежизга эмаслигининг яққол тасдиғига айланди.

М. ҚОСИМОВ.

Ташаббускор ёшлар акцияси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Форумда бошқа талаба ва тадқиқотчи ёшларнинг ҳам инновацион ғоялари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўмир чиқиндиларини қайта ишлаш, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, саноатда ихчам ва тежамкор технологияларни жорий этиш, шунингдек, ёшлар ташаббусларини кенг тарғиб қилишда маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги қизғин фикр ва мулоҳазалар шулар жумласидандир.

Акция доирасида “Дилемма” мунозаралар турнири, “Соғлом ёшлар” ҳамда “Ҳаёт учун” хайрия марафонлари, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги тақдимотлар, тренинглар ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг фаол иштирокчиларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” акцияси санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Р. Холматов иштирок этди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эътибор

Чимбойлик тадбиркор Маряш Нажимова ўтган йили тикувчиликка ихтисослаштирилган “Элеонора Арайлим” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган эди. Ҳозир бу ерда 20 нафар чевар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Қувонарлиси шундаки, корхона ишчиларининг аксарияти касб-ҳунар коллежини эндигина битирган қизлардир. Улар хорижнинг замонавий тикув ва нақш солиш машиналарида буюртма бўйича либос ҳамда пардалар тикишаяпти.

Қўли гул, оқила, тадбиркор

— Чеварларимиз, асосан, келин сарполари, оқшом либослари, замонавий дизайндаги уй интерьерларини яратишади, — дейди Маряш Нажимова. — Қизларнинг бари қисқа вақт ичида иши пишиқ, чоки силлиқ чевар сифатида танилдилар. Тиккан либос ва безакларимиз жорий йилги “Ташаббус” кўрик-танлови доирасида ўтказилган кўргазма-ярмаркада ҳам кўпчиликка манзур бўлди: янгидан-янги мижозлар орттирдик, буюртмалар олдик. Насиб этса, келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Эзгу ният истиқболдаги улкан мақсадларга йўл очади. Зеро, инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан устун саналган юртимизда бугун кимки ташаббус кўрсатса, ҳалол меҳнати билан даромад топмоқчи бўлса, қулай имтиёзу имкониятлардан баҳраманд бўлмоқда. Энг муҳими, бу каби хайрли ишлар туфайли чекка қишлоқ ва овулларда яшаётган юртдошларимизнинг турмуш шароити янада яхшиланиб, ёшлар иш билан таъминланаяпти. Хусусан, Чимбой туманида ҳам бандликни таъминлаш масалалари, айниқса, қишлоқ аёллари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида ибратли ишлар қилинаётир.

— Коллежни тамомлагач, иш масаласида маслаҳатлашиш учун туман хотин-қизлар қўмитасига мурожаат қилган эдим, — дейди “Мамбетмуратова Лола” хусусий корхонаси тикувчиси Санамгул Сейтназарова. — Мутахассислар кўмаги билан янги очилган мана шу корхонага ишга жойлашдим. Танлаган касбим, иш жойим ва бу ердаги шарт-шароитлар ўзимга ниҳоятда мақбул. Айни пайтда буюртма асосида ишлаяпмиз. Ҳам оиламга, ҳам элимга нафим тегаётганидан хурсандман.

Ҳудудда Санамгул сингари чевар опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш масаласи “Ҳунарманд” уюшмасининг туман бўлими ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида ижобий ҳал этилмоқда. Яна ҳам аниқроғи, ўтган 2011 йилда мазкур ташкилотлар томонидан 110 нафардан зиёд хотин-қизнинг ишга жойлашишида ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Чимбойда тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаган хотин-қизларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда Халқ банкининг туман филиали томонидан берилган имтиёзли кредитлардан қарийб 20 нафар тадбиркор аёл самарали фойдаланиб, ҳудудда саноат, чорвачилик, қурилиш ва транспорт соҳалари ривожига муносиб улуш қўшмоқда. Мисол учун, банк тадбиркор Зевархон Сарсенбоева бошқараётган “Гулистон — Т” масъулияти чекланган жамиятига 13 миллион 600 минг сўмлик кредит ажратган эди. Мазкур маблағ эвазига корхона нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашга мўлжалланган энг замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланди. Энди ишчилар бир кечакундузда минг донадан зиёд мазали кулча ва ширмой нонлар ёпишмоқда. Ушбу корхонада ҳам бугун ўнлаб хотин-қизлар доимий иш билан банддир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация

Сув — тириклик манбаи, кундалик ҳаётимиз учун энг зарур неъмат. Шу боис кўҳна ҳикматлар, ота-боболаримиз ўгитларида унинг ҳар томчиси тиллога қиёс этилади. Обиҳаётни беҳуда исроф қилмаслик, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш лозимлиги уқтирилади.

Томчиси олтинга тенг

Зеро, Ер юзида аҳоли нуфуси ошиб бориши, янги экин майдонлари ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайиши туфайли сувга бўлган талаб йил сайин ортмоқда. Ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аҳолининг, энг аввало, ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиб, хонадонлар узлуксиз равишда обиҳаёт билан таъминланиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда "Сувсоз" давлат унитар корхонаси жамоасининг хизмати ва ҳиссаси катта.

Бугунги кунда мазкур корхона таркибида еттита сув ўтказиш иншооти мавжуд. Улар орқали кунига 2 миллион 326 минг куб метр обиҳаёт тозаланиб, 3,6 минг километрлик қувурлар орқали пойтахтимиз ҳамда шаҳар атрофида жойлашган хонадонлар, корхона ва муассасалар, таълим-тарбия масканларига етказиб берилади.

Сир эмас, тежамкорликка эришишда таъминот жараёнида фойдаланиладиган технология ва ускуналарнинг замонавийлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали, биринчи галда, энергия сарфи камайишига эришилса, янги тармоқлар исрофгарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб "Сувсоз" жамоаси корхонани модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда илғор инновацион технологиялардан фойдаланилаётгани, айниқса, юқори самара бераяпти.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарори асосида махсус чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, — дейди корхона бош технологи Дунанбой Казибеков. — Шунга мувофиқ, ўтган йили қарийб 15 километр узунликдаги сув қувурлари капитал таъмирланди, 345 километр масофадаги канализация тармоғида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, "Қодирия" асосий сув ўтказиш иншоотида бешта фильтр, тўққизта насос агрегати таъмирдан чиқарилди. 300 метрдан иборат юқори вольтли кабеллар, 240 та ёнғин гидранти, 253 та қулф ва қопқоқ янгисига алмаштирилди. Қолаверса, техник қайта жиҳозлаш тадбирлари доирасида насос станциялари 55 та ток частотасини ўзгартирувчи қурилма, 66 та "Грундфос" русумли янги агрегатлар билан таъминланди. "Флюгт" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 5 та янги насос ускунаси ўрнатилди. Бу эса табиий ресурсларни тежаш имконини бермоқда.



Дунёда чучук сув захиралари тобора камайиб бораётган, ҳатто, айрим ўлкаларда одамлар сувсизликдан азият чекаётган бир пайтда мамлакатимизда бу бебаҳо неъматнинг мўл-кўллиги эътиборга лойиқ. Ваҳолонки, сувни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш осон юмуш эмас. Бунинг учун кўп меҳнат ва маблағ талаб этилади. Шундай экан, ундан оқилона фойдаланиш, обиҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмай ишлатиш барчамизнинг масъулиятли бурчимиздир.

Дарвоқе, айни пайтда "Сувсоз" давлат унитар корхонаси томонидан 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, "Тошкент шаҳрида Ислом тараққиёт банки иштирокида канализация тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси амалга оширилаяпти. Бунинг учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 35 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорида кредит ажратиш юзасидан шартнома имзоланган. Мазкур инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш гуруҳи раҳбари Дилшод Азизовнинг айтишича, бу маблағлар пойтахтимиздаги учта йирик канализация тозалаш иншоотидаги эски ускуналарни реконструкция қилиш ва янгилашга, шунингдек, 6,55 километр узунликда коллектор барпо этиш, учта кимё лабораториясини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда махсус техникалар харид қилишга йўналтирилади.

Эътиборли жиҳати, 2014 йил сўнгида якунланиши кўзда тутилган ушбу истиқболли лойиҳа рўёби пойтахтимизнинг санитария-эпидемиологик ҳолати ҳамда ичимлик сувини тозалаш сифати янада яхшиланишига асос яратади. Ўз навбатида, шаҳар ҳудудини марказлаштирилган канализация тизими билан қамраб олишга эришилиб, оқова сувларни тозалаш учун сарфланадиган энергия миқдори тежалади. Пировардида пойтахт аҳолиси хонадонлари, ташкилот ва муассасаларни қишинёзин зилол сув билан таъминлашда муаммолар юзага келмаслиги кафолатланади.

У. УСМОНОВ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар бўйича 2011 — 2012 ўқув йилига танлов эълон қилади:

1. Автомобиль техник эксплуатацияси кафедраси: профессор — 1, доцент — 1.
2. Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси: профессор — 1, катта ўқитувчи — 1.
3. Транспорт воситаларининг эксплуатацион материаллари кафедраси: доцент —1, катта ўқитувчи — 1.
4. Электромеханика ва автоматика кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
5. Чет тиллар кафедраси: катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
6. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
7. Транспорт воситалари ва технологик жиҳозларини таъмирлаш кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
8. Педагогика ва психология кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
9. Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари кафедраси: доцент — 1.
10. Йўл қурилиши машиналари кафедраси: профессор — 1, доцент — 1.
11. Механизмлар назарияси ва машина деталлари кафедраси: доцент — 1, ассистент — 1.
12. Чизма геометрия ва графика асослари кафедраси: мудир — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
13. Автомобиль-йўл корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви кафедраси: профессор — 1, ассистент — 1.
14. Автомобиль-йўл корхоналари маркетинги кафедраси: мудир — 1, профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
15. Информатика ва информацион технологиялар кафедраси: ассистент — 1.
16. Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
17. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
18. Автомобиль йўллари ва аэродромлар кафедраси: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
19. Кўприклар ва транспорт тоннеллари кафедраси: профессор — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
20. Назарий механика ва материаллар қаршилиги кафедраси: профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
21. Олий математика кафедраси: профессор — 1, доцент — 1.
22. Физика кафедраси: доцент — 1.
23. Жисмоний тарбия ва валеология кафедраси: ассистент — 1.

Танлов муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, ТАЙИ ходимлар бўлими, 156-хона. Телефон: (8-371) 232-15-29.

612А/461

Tsh 64-20438253-01: 2011
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: ООО «TAYFUN PLASTIK»
ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ
«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные
ф/о — безналичный расчет
ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:
КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах для производства полипропиленовых мешков, может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.
из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.
Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.
КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ
291Я/161

ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

Гарантийный срок 1 год
Под заказ

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

АВТОКРАНЫ
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован

Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ

Товар сертифицирован

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ
на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ
Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz
20R/220

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 15 июлдаги 11-1026/16370-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, «Бардонкўл» ҚФЙ, Бирлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 16643,61 кв.м. бўлган участка, 2 қаватли маъмурий бино, қозонхона, йўлак, ҳожатхона, соябон, бостирма, омборхона, гараж, тарозихона, қоровулхонадан иборат ўқув-машқ маркази кўчмас мулклари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 323 953 250 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

673А/1441

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.
(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чораклари бўлиб беришингизни сўраймиз.

130R/97

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

2012 — 2013 ўқув йилига 2005 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА
танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Аризалар 2012 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Манзилимиз: 100152, Тошкент ш., Учтепа тумани, 22-даҳа, 1-«А» уй. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 141, 135. Йўналишли таксилар: 14, 15, 21, 182. Телефонлар: (8-371) 274-92-21, 274-96-44.

607R/442

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Ийк-Ота» ҚФЙ ҳудудида жойлашган
«ASAKA EKO PLAST» корхонаси
ишлаб чиқариш ва омборхона учун мўлжалланган
биноларни ижарага беради.
Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Мурожаат учун телефонлар: (+998 95) 177-01-99, (+998 71) 239-88-58. Факс: (+99871) 239-88-57.

641Я/489

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси бош директор ўринбосари Миродил Сангиловга падари бузруквори
Мирзоил ота САНГИЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари ҳайкалтарош
Эргаш ҚАҲҲОРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Навоий вилояти хўжалик судининг раиси Насилло Жалоловга волидаи муҳтарамаси
Шарифа ая АҲМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси Режиссура кафедраси доценти Адиба Расуловга турмуш ўртоғи
Шуҳрат РАСУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎКУФК Санаторий-курортлар бошқармаси жамоаси "Турон" санаторийси директори Коландар Султановга волидаи муҳтарамаси
Шукуржон СУЛТАНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қатъий ишонч, пухта ҳозирлик

Жорий йилнинг май ойида Навоий вилоятида бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг республика босқичига бухоролик мактаб ўқувчилари ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Беллашувларнинг вилоят босқичи юқори савияда ташкил этилгани, эпчил, чаққон, ўз ҳаётини спорт билан боғлаш иштиёқидаги ёшларнинг саралаб олингани фикримиз тасдиғидир.

— Беллашувлар вилоятимизнинг энг кўркам, замонавий спорт иншоотларида байрамона тарзда ўтказилди, — дейди “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Нажмиддинов. — Хусусан, 5 — 7-синф ўқувчилари ўртасидаги баҳсларда 1700 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 12 тури бўйича куч синашди. Уларда Бухоро шаҳри, Шофиркон ҳамда Жондор туманлари спортчилари юқори натижаларни қайд этдилар. 6 — 9-синф ўқувчилари ўртасида кечган мусобақаларда эса Бухоро шаҳри, Шофиркон ҳамда Ромитан туманлари ўқувчилари ғолиб чиқди.

Ана шу мусобақалар якунида кучли, маҳоратли ўқувчилар танлаб олиниб, улар вилоят терма жамоасига қабул қилинди. Ҳар бир спорт тури бўйича малакали мураббий тайинланди. Айни пайтда тажрибали мутахассислар кунига икки бор ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришяпти. Бухоро шаҳридаги замонавий спорт мажмуалари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган.

— Футбол — жамоавий ўйин, — дейди Бухоро шаҳридаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернат мураббийи Сулаймон Раҳматов. — “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг Жондор туманида ташкил этилган вилоят босқичида қишлоқ жойларда ҳам жуда кўп умидли ёш футболчилар етишиб чиқаётганига гувоҳ бўлдик. Биз шундай иқтидорли ёшларни вилоят терма жамоасига жалб этган ҳолда, кучли, рақобатдош жамоани шакллантириш саъй-ҳаракатидамиз. Мақсадимиз — майдоннинг ҳар бир чизиғида барқарор ва ишончли ўйин намойиш қила оладиган икки-уч нафар футболчини унинг таркибига киритиш.

Тажрибали мутахассиснинг фикрича, спортчининг ўзига бўлган қатъий ишончи ғалабалар сари йўл очади. Буни Муаззам Асқарова яхши билади.

— Вилоят ва мамлакат миқёсидаги кўплаб мусобақаларда иштирок этганман, — дейди стол тенниси бўйича вилоят терма жамоаси аъзоси Муаззам. — Ўз кучимга ишонган ҳолда ҳаракат қилсам, албатта, муваффақиятга эришаман. Очиғи, “Умид ниҳоллари” республика мусобақаларини интизорлик билан кутаяпман. У спортдаги фаолиятимда навбатдаги босқични бошлашига ишонаман.

Ғиждувонлик белбоғли курашчи Бобур Бобоқулов, жондорлик ёш полвон Баҳром Болтаев, енгил атлетика баҳсларида вилоят шарафини ҳимоя қилиши кутилаётган Сардор Аслонов ҳам ана шундай умид ва ишонч билан мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришаяпти.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИ
“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”ГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
28 АПРЕЛЬ 10:00 ДАН 17:00 ГАЧА
Бакалавр
Магистратура
Инглиз тили тайёрлов курслари
Омадли келажакка биз билан эришинг!
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.
Тел.: 271 77 00, 271 77 01
Хизматлар лицензияланган.
667В/513

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

- **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** доцент.
- **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси:** ассистент.
- **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** ассистент.
- **Силикат материаллар технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Аналитик, физикавий ва коллоид кимё кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Саноат экологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Технологик жараён ва қурилмалар кафедраси:** профессор, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Умумий ва ноорганик кимё кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Биотехнология кафедраси:** доцент.
- **Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Касбий таълим кафедраси:** ассистент.
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Олий математика кафедраси:** ассистент.
- **Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** катта ўқитувчи.



Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.
Телефон: (8-371) 244-79-31.
674R/419

Кўкатлар хосияти

Айни баҳор чоғида инсон организмининг дармондориларга бой маҳсулотлар, илмий тилда айтганда, енгил сингувчи оқсил, маъданий унсурларга талаби ортади. Шу боис одамда тинка қуриши, фаромушхотирлик, кўз илғашининг сустлашуви, қолаверса, юқумли хасталикларни юқтиришга мойиллиги ортади. Кўклам кўкатларидан ўз ўрнида истеъмол қилинса, бу каби ҳолатларнинг олди олиниб, саломатлик мустаҳкамланади.

Қушқароқ

Қушқароқ — баҳорнинг шифобахш неъматларидан бири (себарга деб ҳам юритилади).

У сой, жилға, ариқ бўйларида, бедапояларда, тоғ этакларида, суғориладиган майдонларда ўсади. Қушқароқнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино асарларида қайд этилишича, бу ўсимлик қорин ва қовуқнинг қадалиб оғришида яхши самара бериб, пешобни ҳайдашни яхшилайди.

Халқ табобатида қушқароқнинг барг ва гулбошчалари асосида тайёрланадиган қайнатма меъда-ичак фаолиятини яхшилаш ҳамда пешобни ҳайдовчи беозор омил сифатида тавсия этилади. Баргларидан тайёрланадиган дамлама эса хафақонлик ва бош айланишининг олдини олишда жуда фойдалидир. Шунингдек, у кўксов (астма), кўкйўтал, камқонлик, қон босими, безгак, меъда яраси, куйган жойлар, хавфли шишлар ва шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларни даволашда асқотади.



Айни кунларда қушқароққа мачин, исмалоқ, жағжағ, ялпиз, момақаймоқ каби баҳорий кўкатлар қўшилиб, чучвара, сомса тайёрлаб истеъмол қилинса, инсоннинг соғлиғи мустаҳкамланиб, унга хавфли хасталиклар яқин йўламайди.

Мадор пиёзи

Мадор пиёзини айни илигузилди пайтида истеъмол қилиш фойдалидир. Гап шундаки, унинг пиёзбошисидан тайёрланадиган таомлар кўнгилочар бўлиб, овқатнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради, ичак йўлини равон қилиб, организмга қувват бағишлайди.

Халқ табобатида у қувватсизлик, ўпка хасталикларини даволашда тавсия этилади.

Мадор пиёзига бошқа кўкатлар, айниқса, ўрик ғўраси қўшиб истеъмол қилинса, шифобахшлиги янада ортади, эркакларда тоқ бези яллиғланишининг олдини олади.

Мадор пиёзи — Ғарбий Тянь-Шандаги эндем, яъни фақат шу ҳудудга хос бўлган кўп йиллик ўсимлик. У, асосан, Чотқол ва Пском тизмаларида тарқалган. Ўсимликнинг пиёзбошисида органик кислоталар, дармондорилар, фитонцидлар, маъданий унсурлар жамламаси мавжудлиги унинг қувватбахшлигидан далолатдир.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Гўзаллик ва нафосат маскани

Бундан тўрт йил аввал Швейцарияда ўтказилган ўзбек миллий қўшиқлари ҳафталигида самарқандлик Амиржон Узоқов ҳам иштирок этиб, ўз иқтидори билан барчани лол қолдирган эди.

Эътибор

Амиржон ўшанда Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг учинчи синфида ўқирди. Эътироф этиш керак, бугунги кунда ушбу даргоҳ санъатга иштиёқманд ёшларнинг севимли масканига айланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қароридан сўнг мазкур мактабда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Нафосат маскани янгича қиёфа касб этиши билан бирга, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

— Айни пайтда ўқув даргоҳимизда 260 нафар истеъдодли ёш ўз маҳоратларини оширмоқда, — дейди мактаб директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сувон Усмонов. — Уларга миллий чолғу асбобларидан тортиб, жаҳон мусиқаси сирларигача ўргатилмоқда. Синфхоналаримиз барча мусиқа асбоблари ҳамда замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланган. Ўзимизнинг махсус студиямиз ҳамда концерт залимиз мавжуд.

Даргоҳда олиб борилган бу каби ижобий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, мақоламиз аввалида тилга олганимиз Амиржон Узоқов сингари ёшлар бу масканда кўпчиликни ташкил этади. Шаҳзода Саидова, Ўлмас Ҳамроқулов, Шерали Ашуров, Рустам Давронов сингари ёш истеъдод эгалари “Янги авлод” республика танловларида бир неча бор совринли ўринларни эгаллашган.

Шарқ мусиқаси ва ҳаётбахш оҳанглари инсонни ҳамиша эзгулик ҳамда гўзалликка чорлаб келган. Унинг сеҳри ва жозибасидан баҳра олиб, вояга етаётган бугунги авлод эса, чин маънода, эртамизнинг муносиб ворисларидир.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш

Қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, пахта ҳосилдорлигини оширишда илғор технологияларнинг аҳамияти катта. Урганч давлат университети олимлари ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бормоқда.

«Барокот» баракаси

Хусусан, яқинда биология фанлари доктори Рўзимбой Эшчонов ҳамда доцент Озод Раҳимов томонидан донли, техник, дуккакли, сабзавот ва мевали экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, касалликларга чидамлилигини ошириш, зараркунандалардан ҳимоялашда қўлланиладиган “Барокот” биостимулятор препарати яратилди. Маҳаллий саноат чиқиндиларидан олинган мазкур восита дала шароитида синаб кўрилганда, етарли даражада самарали эканлиги аниқланди. Тажрибалар чоғида биостимулятор препарати эритмаси билан ишлов берилган чигит қадалган майдонларда ҳосилдорлик гектарига ўртача 5 — 10 центнергача юқори бўлиши аниқланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, биостимуляторни харид қилиш ва ишлатишга сарфланадиган харажатлар ундан фойдаланиш туфайли олинадиган даромаддан бир неча баробар камдир. Қолаверса, уни қўллаш қўшимча меҳнат талаб қилмайди. Чунки чигит аввал сувда ивитилиб, сўнг экилади. Ана шу сувга керакли миқдорда препарат эритмаси солинса, кифоя.

Бу усул жорий мавсумда Қўшкўпир ва Ҳазорасп туманларидаги 20 минг гектарга яқин майдонда қўлланилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане
Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
4209/320

ОБ-ҲАВО

(25 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+13 +18	+13 +18	+13 +18	+13 +18	+13 +18	+14 +16
+23 +28	+23 +28	+28 +33	+23 +28	+23 +28	+24 +26

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5